Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
25 ИЮЛЬ, 1969 й.
ЖУМА
№ 172 (936).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Суратда: шаҳримиздаги «Учқун» галантерея трикотаж фирмаси биринчи филиалининг илғор тўқувчиси О. Соатова.

А. Тўраев фотоси.

● Фрунзе район янгиликлари

КОМСОМОЛЛАР — ҚУРИЛИШГА

Яқинда Фрунзе район комсомол комитети ташаббуси билан бир группа комсомол аъзолари Олмалиқ химия комбинати қурилишларига жўнаб кетишди.

Бугун

бўлиб ўтган район партия ва комсомол комитетлари ходимларининг қўшма мажлисида ёшларнинг қурилишларга бориб ишлашлари ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

ХАЛҚ КОНТРОЛИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ

Республика халқ контроли комитетининг «Меҳнат интизомини текшириш» ҳақидаги қарорига жавобан район халқ контроли комитети ўтган апрель, май, июнь ойларида «райпишчеторг» ва савдо ташкилотларида текшириш ўтказди.

Шундан кейин район раҳбар ходимлари кенгашида йўл қўйилган хато ва камчиликлар рўй-рост очиб ташланди.

Танқиддан тегишли хулоса чиқарган 8,22 ва 17 магазинлар ўтган ой планини юз процентдан ошириб адо этдилар.

МЕБЕЛЛАР НАМОЙИШ ҚИЛИНМОҚДА

Бугун

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ЗАЛЛАРИ ЯНА ЯНГИ ЭКСПОНАТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИЛДИ. БУ ЕРДА ПОЙТАХТНИНГ «ШАРҚ» ВА «ВОСТОК» ФИРМАЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАМДА АНДИЖОН, НАМАНГАН, САМАРҚАНД МЕБЕЛСОЗЛАРИНИНГ ЯНГИ ВА ЁРҚИН БУЮМЛАРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНМОҚДА.

Бир ҳафта давомида кўргазма залларида уй-рўзғорнинг нафис ва чиройли буюмлари, ҳар хил жиҳозлари намойиш қилинади. Бу ерда Ўзбекистон миллий мебелсозлиги билан танишиш мумкин.

ТАШАББУС ИЗДОШЛАРИ

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб Низомий номли педагогика институти студентлари ёзги каникулни учинчи меҳнат семестри деб эълон қилишди. Улар республиканинг қурилиш майдонларида ишламоқдалар.

Ташаббусга биринчилар қатори қўшилган Политехника институти талабаларидан 800 киши отрядларга бўлиниб,

Бугун

чўлқуварлар маконни — Сирдарё областига жўнаб кетдилар. Чўлқувар бунёдкорлар областнинг шаҳар, посёлка ва қишлоқларида болалар боғчалари, яслилар, спорт иншоотлари ва мактаблар қуриб беришга аҳд қилишган.

ЛЕНИН БАРҲАЁТ

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи залида «Ленин барҳаёт» ҳужжатли кинофильми намойиш қилинияти Томошабинлар экранда доҳий билан бирга ҳаёлан сайр қиладилар. Улар ҳам завод ишчилари каби доҳийни олқишлайдилар...

Ҳа, музей ходимлари музейга ташриф буюрган экскурсантларга бағишлаб ҳар куни башарият қуёши фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи фильмни намойиш қилишади. Бу эса доҳийнинг қутлуғ тўйига музей ходимларининг яхши тайёргарлик кўраётганлигидан далолат беради.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Чилонзорнинг 24 кварталида Рига биноқорлари қурган уйлар. Р. Исанов фотоси.

ЎН ИККИ МИНГ ДОНА

Бугун

Хоналарни ёз пайтида офтобдан мўътадил сақлашда нарвонларнинг роли катта. Шунинг учун шу кунларда бу маҳсулотга талаб ошмоқда. Оржоникидзе районидаги маҳаллий саноат комбинатига қарашли карниз тайёрловчи цехнинг ишчилари аҳолига кўплаб сифатли карниз етказиб бериш учун ғайрат қилмоқдалар.

Бугун

цех коллективи шаҳар савдо ташкилотлари учун 12 минг дона карниз жўнатди.

● Қурилиш ташкилотларида

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР УЧУН

Партия ва ҳукуматимиз оналар ва болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш юзасидан оталарча ғамхўрлик қилмоқда. Пил саёҳат кўплаб хотин-қизлар консультация пунктлари, болалар боғча ва ясслари, бинолари қурилмоқда, санаторий ва даволаниш муассасалари барпо этилмоқда.

Куни кеча шаҳримиздаги 6-қурилиш трести коллективи оналар ва болаларни муҳофаза қилиш илмий-текшириш институти биносини қуриб давлат комиссиясига топширди.

МАРҲАМАТ, ЎҚУВЧИЛАР!

Шредер номли богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти ходимларининг фарзандлари учун институт районида қурилган 536 ўринли янги мактаб пештоқига шундай илиқ сўзлар ёзилган. Бу мактабни болаларга совға қилган 159-трест коллективи «Узгеодезия» трести ходимлари учун кинони суратга олиш базаси ва ошхона қурилиши ишини ҳам қизитиб юборди. Ҳар иккала бино мудлатидан илгари фойдаланишга топширилади.

ЯНГИ ЦЕХ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорига биноан «Ўзбекхлопкомаш» заводи кенгайтирилмоқда. Корхонанинг қуввати олдингисидан анча ортиб; машиналарга бўлган эҳтиёж тезроқ ва яхшироқ қондирилади. Шу муносабат билан янгидан ишлаб чиқариш корпусларини қуриш авж олиб кетди.

Қурувчилар заводнинг қуюв цехини муддатидан олдин фойдаланишга топширдилар. Янги цех йилига 2700 тонна маҳсулот тайёрлаш имкониятини беради. Бу цехни қуришда 9-қурилиш трестининг коллективи намунали ишлади. Қурувчилар, шунингдек йилига 20 минг тонна товар арматура ва 70 минг кубометр йирик-темир-бетон тайёрлайдиган марказий арматура устахонаси қурилишини ҳам тамомладилар.

Корхона қувватини ортириш юзасидан янги цех ва устахоналар қуриш давом этмоқда.

II-ЦЕХДА ЯНГИЛИК

Бу цехни завод коллективи корхонанинг юраги дейди. Дарҳақиқат ҳамма цехларда тайёрланган деталлар, қисмлар шу ерга келиб бирлашади, йиғилади. Трактор номини олади.

Шунинг учун трактор-йиғув заводининг бу йиғув цехи ишчи, инженер ва техник ходимлари изланишади, янгиликни ишлаб чиқаришга жорий қилишади.

Яқингача трактор-нинг моторида айланиб турадиган қисмларига қўл билан мой қуйилар, бунга эса анча вақт кетар ва кўп мой исроф бўлар, цех эса ифлос бўлиб кетарди. Цех бошлиғи Ф. Фёдоров раҳбарлигидаги группа инженер-техник ходимлари моторга майдон ўрнатдилар. Натижада ундан мой узлуксиз қисмларга ўзи оқиб тушиб туради.

Бу билан мойнинг исроф бўлишига чек қўйилди. Цех озода бўлди, йўл кучи қисқариб, минглаб сўм иқтисод қилинди.

Бундан ташқари цех деворига контрол телескоп стенди осиб қўйилган. Бунга эса брак маҳсулот берган ишчилар ёзиб қўйилади. Бу эса ишнинг сифатли бўлишига катта ёрдам бермоқда.

Кенгаш якунларига бағишлаб

Ҳозирги вақтда шаҳримизнинг Куйбишев районида 230 га яқин бошланғич партия ташкилотлари мавжуд. Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, муассасалардаги барча ишчи-хизматчилар коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаш ҳужжатларини ўрганишга катта эътибор бермоқдалар.

Шу кунга қадар 117 та бошланғич партия ташкилотида коммунистларнинг Кенгаш якунларига бағишланган йиғилишлари бўлди. Райондаги барча сиёсий ташкилотчи, ахборотчилар Кенгаш материалларини кенг омма ўртасида атрофлича тушунтириш ишига сафарбар этилган.

Лекторлар, пропагандист, агитаторлар коммунистик ва ишчи партияларнинг Москва Кенгаши якунлари ҳақида 150 дан ортиқ лекция ўқидилар. Жонли, таъсирчан ўтган бу лекцияларга 114 минг киши иштирок этди.

Луначарский номли Маданият уйи, Тельман номли боғ ёзги кинотеатри биноларида эса Кенгаш мавзуида тез-тез саволжавоб кечалари ўтказилмоқда.

* * *

Коммунистик ва ишчи партиялар Москва Кенгаши ҳужжатларини чуқур ўрганаётган фикрларни якдиллик билан маъқулладилар. Ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини белгиланганидан олдин бажаришга қаратилган қарор қабул қилдилар.

ТАРБИЯЧИЛАР ОТРЯДИ

Доҳий номи билан аталадиган республика хотин-қизлар педагогика билим юртини бу йил 193 киши муваффақиятли тугаллади. Яқинда билим даргоҳини битирувчиларини табриклаб, уларга оқ йўл тиладилар.

Кеча

педагог қизлар республикамизнинг турли область ва районларида ишлаш учун жўнаб кетдилар.

● Дўстлик иплари мустаҳкам


Польшадан мактуб

Езувчи А. Алматинская билан А. Авдееваларнинг «Нури дийдаларимиз» номли китоби босилиб чиқиши билан қўлдан-қўлга ўтиб кетди. Улуғ Ватан уруши йилларида ота-оналаридан етим қолган поляк болаларининг меҳрибонлари ўзбек элида тарбияланганликлари ва ўқишлари тўғрисида ҳаяжонли ҳикоя қилувчи бу асар поляк китобхонларига ҳам жуда манзур бўлди.

Тошкентлик пенсионер З. Л. Хмаловская бу китобдан биттасини польшалик дугонаси Галина Станиславовна Кендзерскаяга эсдалик сифатида тақдим этди. Польшанинг Пулави шаҳарчасида жойлашган касаба союз мактабининг директори Г. С. Кендзерскаянинг бу совғадан боши осмонга етди.

—«Нури дийдаларимиз»нинг ҳаяжонланиб ўқиб чиқдим,— деб ёзади у тошкентлик дугонасига йўллаган миннатдорчилик хатида.— Ўқиб чиқдимуу, ўша ўтмиш хотираларни мени яна ўз оғушига олди. Жуда оғир кунлар эди, ўшанда. Яхшиямки, Совет диёри бор экан. Урушнинг шундай оғир йилларида поляк болаларини ўз паноҳига олди. Минтга яқин бола серқуёш Ўзбекистонда оналик меҳрига қонди. Буни поляк халқи сира-сира унутмайди...»

Ҳозир Округ Офицерлар уйи қошида ташкил этилган революция ветеранлари Советининг актив аъзоси, пенсионер Зинаида Леонардовна Хмаловская яқинда польшалик дугонасига жавоб мактуби йўллади. Мактубда пенсионернинг Тошкентда намойиш қилинган Польша саноати кўргазмасидан олган бой таассуротлари ҳикоя қилинади.



Суратда: коммунистик меҳнат зарбдори слесарь Павел Ключков. У Тошкент геология асбоблари ремонт механика заводининг зарбдор ишчисидир. Ключков шу йил октябрь ойида ўзининг беш йиллик топшириғини шараф билан адо этади.

М. Нуриддинов фотолари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ОКЕАННИ СУЗИБ ЎТИШ МУМКИН ЭДИ

НЬЮ-ПОРК, 23 июль. (ТАСС). Норвеж тадқиқотчиси Тур Хейердал ғўйидагиларни айтди: папирус кемасида Африкадан Америка китъасига қадар сузиб ўтишга уриниш муваффақиятсиз тугаган бўлсада, аммо қадимги мисрликлар шу таҳлитда сузишлари мумкин бўлганлигини исбот қилди.

55 яшар антрополог бу гапни Барбадос пойтахти Бриджтаунда айтди. «РА» экипажининг аъзолари кеча «Шеничдоу» яхтасида бу ерга келган эдилар. Маълумки, улар бундан бир неча кун аввал пўртанадан қаттиқ шикаст топган кемани ташлаб кетишга мажбур бўлган эдилар. Шундай қилиб, улар маррагача 600 миль масофа етолмадилар.

Акула галаси яқин бўлганлигидан «РА» кемасининг сув остидаги қисмини ремонт қилиш хавфли эди.

«Ўйлайманки, биз олдимизга қўйган мақсадга эришо олдик, — деди Хейердал. — Биз «РА»ни ташлаб кетгунимизга қадар кемамиз 2700 миль масофани сузиб ўтди. Африка билан Америка ўртасидаги Атлантика океани оркали энг яқин масофа эса 1600 миля боради. Бундан ташқари, биронтамизда ҳам папирус кемасида сузиш тажрибаси йўқ эди».

Хейердал журналистларга айтдики, сузишни давом эттириш команда аъзоларининг ҳаётини хавф остига қўйиши муносабати билангина «РА»ни ташлаб кетишга қарор берилган. «Бу сафаримиз илмий тажриба эди, шундай экан биз фан нуқтаи назаридан олганда, эсталган нарсамизнинг ҳаммасига эришдик».

ХИМИЯВИЙ ҚУРОЛГА ОКИНАВАДА ЎРИН ЙЎҚ!

ТОКИО. (ТАСС). Окинавада Америка химиявий қуроли жойлаштирилганлиги муносабати билан Рюкю ороллари маъмуриятининг бошлиги Тюбио Яра Окинавадаги Америка маъмурларига норозилик билдирди. Америка маъмурларининг вакили билан ўтказилган учрашувда Яра бундай қуролларнинг ҳамма турларини Рюкю оролларидан чиқартириб юборишни талаб қилди.

ЯНА БИР ТАЖОВУЗ

АММОН, 23 июль. (ТАСС). Қуролли кучлар вакили Иордания пойтахтида гапириб айтдики, кеча Исроилнинг қирувчи олтита реактив самолёти Иордан дарёси водийсининг шимолий қисмидаги районларга ракеталар отди. Тивриад кўлининг жанубидаги Шайх Наам ва Ас-Сувайла районларига душман авиацияси ҳужум қилди.

Вакил «бизнинг қуруқликдаги қўшинларимиз жангга киришиб, зенит тўпларидан ва бошқа тўпларидан ўт очиб, душман самолётларини оккупация қилинган территорияга қочиб кетишга мажбур этди», деди.



Венгрия Халқ Республикаси. Республиканинг Балатон кўли халқаро туризм ва гўзал курортлардан биридир.

Суратда: шу курортга келаётган машиналар колоннаси.

«БУРЕВЕСТНИК» ҚУЧОҒИДА

Ҳар тонг чалинган горн садолари болаларни яна завқли ўйин кулгига чорлайди. «Буревестник» пионер лагерида ўқувчилар мароқли дам олишмоқда.

Лагерда пионерлар отряди доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб «Ленин биз билан», «Барҳаёт Ленин» ва «Ленининг болалиги» деган фотогазеталар чиқаришмоқда. Улар доҳийга бағишланган бурчак ҳам ташкил қилганлар.

Бугун

пионерлар тарих, табиат, Навоий номли музейга, чинни заводига экскурсия қилдилар. Айниқса, отрядлараро бўладиган «Зарница», «Нептун» ва ўткир зеҳнлилар мусобақалари қизиқарли ўтмоқда.

ГАЗЕТАЛАРДА

✦ 1969 йил 23 июль куни Варшавада Халқ Польшасининг 25 йиллигини байрам қилишда қатнашган Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси партия ва давлат раҳбарлари ўртасида дўстона учрашув бўлиб ўтди. Совет ва Чехословакия раҳбарларининг суҳбати сидқидиллик ва қардошларча дўстлик руҳида ўтди.

✦ КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний 23 июль куни Варшавадан Москвага қайтиб келишди.

✦ РСФСРда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ҳозир гўзал Волга соҳилларида тантана қилмоқда. Декада қатнашчилари билан ҳар бир учрашув халқлар дўстлиги байрамига айланиб кетмоқда.

Учинчи меҳнат семестри

ТАШАББУСКОРЛАР

Студентлар ўз кучларини фақат билимдагина эмас, меҳнатда ҳам намойиш қилмоқдалар. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентлари икки отрядга бўлинib, республикамизнинг турли қурилиш объектларида меҳнат қилянти. «Ирригатор-1» ва «Ирригатор-2» деб номланган 250 студентдан иборат бу отрядлар айниқса «Главташкент р о й»нинг 14, 30, 31-қурилиш бошқармаларида самарали меҳнат қилди.

Яқин кунларда «Ирригатор-2» отряди студентлари «Сирдарьяводстрой»га қарашли «Сирдарё» шолиқорлик совхозига 180 студент «Андижанводстрой» ва «Андижангидрострой»га, қолганлари эса Кампирравот комсомол зарбдор қурилишида ишлаш учун жўнайдилар. Бу отрядларга комсомол активларидан Камолов, Турсунов. Тўлагановлар раҳбарлик қилишади.

Кеча

қўшимча қурилиш отряди Тольятти шаҳри қурилишида меҳнат қилиш учун жўнаб кетди.



«Ташавтомаш» заводи мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимларига ҳар йили кўплаб эҳтиёт қисмлар тайёрлаб беради.

СУРАТДА: эҳтиёт қисмлар районларга жўнатилмоқда.



«Подшипник» заводининг пешқадам ишчиси коммунистик меҳнат зарбдори Валентина Мартинова В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига юксак мажбурият олиб, уни муддатидан олдин бажариш учун ҳаракат қилмоқда.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

МАЖЛИС ВА КУН ТАРТИБИ

Бошланғич партия ташкилоти коммунистик партиянинг асоси ҳисобланади. Партия ташкилотининг ҳар бир мажлиси кун тартиби, у ёки бу партия ташкилоти ишларини қай аҳволда эканлигини кўрсатиб турувчи ойна хизматини ўтайди. Тўғри, ўтказиладиган мажлиснинг характерига қараб кун тартиби ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Қабул қилинган қарорлар ҳам партия ташкилоти теварагига жипслашган коммунистлар коллективининг ишчанлик ва жанговарлик даражасини кўрсатиб туради.

Мана, икки йилдирки, менга биркитиб қўйилган бошланғич партия ташкилотлари секретарлари билан қатъий келишилган ҳолда ойида бир марта семинар ўтказиб келяпмиз.

Кўпчилик партия ташкилотлари секретарларининг истаклари инобатга олиниб, семинарларда партия қурилиши, идеологик масалалар, халқаро аҳвол ва бошқа мавзуларда қизиқарли лекция ва суҳбатлар ўтказилади. Семинарларда секретарлар иш жараёнида дуч келган айрим саволларни ўртага ташлайдилар, биргаликда ҳал қиладилар. Шу билан бир қаторда, секретарларнинг ўзлари турли муҳим масалалар юзасидан тез-тез тажриба алмашиб турадилар.

Бўлиб ўтган ҳар бир семинарда партия мажлислари кун тартибига қўйган масалаларни атрофлича муҳокама қилишга, уларнинг янги, муҳимларини кун тартибига киритиб туриш тўғрисида қимматли маслаҳатлар берилади. Бу тажриба бошланғич партия ташкилоти мажлислари кун тартибига аста-секин ҳаёт тақозо этган муҳим масалаларни қўйишга имкон беради. Масалан, «Хизмат бурчи ва ўртоқлик», «Ёш авлодни замонамизга муносиб фарзандлар қилиб тарбиялайлик», «Сен бажараётган иш», «Коллектив тарбиясида раҳбарнинг роли», «Устав талабларининг коммунистлар томонидан бажарилиши», «Камчиликлар ва хатоларга муросасиз бўлайлик» каби мавзулар партия мажлислари кун тартибидан мустаҳкам ўрин оладиган бўлди. Шундай қилиб, партия мажлислари таъсирчан, қизиқарли ўта бошлади. Партия ташкилотларининг секретарлари бизга тез-тез маслаҳатлар сўраб келадиган бўлишди.

Мажлис кун тартибига кўйиладиган масалаларда бирхилликка барҳам беришда айрим қийинчиликларга ҳам дуч келинди. Бу эса секретарлар билан ҳар бир масалага ижодий ёндошиш учун якка-якка суҳбат ўтказишни, улар билан алоҳида иш олиб боришни тақозо этди. Шундай қилинди ҳам. Бу иш ижобий натижалар берди. Бундан ташқари, айрим партия ташкилоти секретарларига доклад, мажлисларда қабул қилинадиган қарор текстларини тузишга яқиндан ёрдамлашдик.

Яқинда врачлар малакасини ошириш институтида коммунистларнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибига ҳар бир коммунистнинг камчилик ва нуқсонларга муросасиз бўлиши ҳақидаги масала қўйилди. Партия ташкилотининг секретари М. Бобожонов ташкилот ҳисобида турувчи коммунистларнинг кўпгина ибратли ишларини мисол қилиб кўрсатди. Айниқса, институтнинг санитария-гигиена, терапия бўлимларида ишлаётган коммунистларнинг яхши ишлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Жарроҳлик бўлимидаги айрим коммунистлар у ёки бу ишда принципсизлик кўрсатаётганлигини танқид қилди. Ўз касбига садоқат кўрсатаётганлар ҳақида ҳам илиқ гаплар айтилди. Партия ва меҳнат интизомини бузувчи баъзи коммунистлар бирма-бир тилга олиниб ўтилди. Хуллас, партия мажлиси ғоят қизиқарли ўтди. Сўзга чиқувчилар одатдагидан кўп бўлди. Коммунистлардан А. И. Лунев, Х. Ҳусанов, Данилова ўртоқлар партия аъзосининг муқаддас бурчи хусусида фикр юритишди.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир коммунистнинг авангардлик ролига, зиммасига юклатилган вазифани қандай ўтаётганлиги тўғрисида алоҳида эътибор берадиган бўлишди. Кейинги вақтларда район даволаш муассасаларидаги партия ташкилотлари мажлисларида коммунистларнинг ҳисоботларини эшитиш тажриба қилиб кўрилмоқда. Дастлабки натижаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, бу тажрибани янада кенгроқ қўллаш лозим.

2-марказий шифохона, руҳасаб касалликлари диспансери, 27-поликлиникаларда бўлиб ўтган партия мажлислари ҳам ғоят қизиқарли бўлди.

Крупская номли болалар санаторийсида хизмат қилаётган коммунистларнинг навбатдаги мажлиси ҳам ҳар томонлама диққатга сазовор. Унда икки коммунистнинг ҳисоботи тингланди. Коммунист Е. Казулин ўз сўзини ўтган асрнинг 80-йилларида яшаган машҳур шифокор Ф. П. Гаазенинг «Одамларга яхшилик учун шошил» деган ҳикматли ибораси билан бошлади.

— Бизда,— деди у, инсондан қиммат ва бебаҳо нарса йўқ. Партия ва ҳукуматимиз биз — врачларга инсон саломатлигини кўз қорачиғидек сақлашни ишониб топшириб қўйган. Биз ҳамиша ана шу ишончга яраша хизмат қилмоғимиз лозим. Шунинг учун ҳам врачлик касбини танлаганмиз.

Е. Казулин ўз иши тўғрисида баъзи муваффақиятсизликларнинг содир бўлиши ҳақида батафсил гапирди.

Коммунист Н. Д. Капитовнинг сўзини ҳам ҳамкасблари зўр қизиқиш билан тинглашди. У ўз касбини юракдан севиши, шу соҳада ишлаш унинг эҳтиёжига айланиб қолганлигини айтди.

Бу икки коммунистнинг ҳисоботи юзасидан кўп ўртоқлар гапиришди. Уларнинг ажойиб фазилатлари, камчиликлари айтилди.

2-марказий шифохона коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган мажлиси характер эътибори билан кўпчиликка маъқул. Улар ўз мажлисларида коммунистлардан Х. Исроилова ва Н. Трутаев ўртоқларнинг ҳисоботини эшитишди. Уларга кўплаб саволлар берилди. Жавоблар кўнгилдагидай бўлди.

Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги семинарида қизиқарли ўтган партия мажлислари, уларни тайёрлашда орттирилган тажрибалар ўртоқлашилди. Бу борада олиб бораётган ишларимиз бошланғич партия ташкилотлари мажлисларини янада яхшироқ ўтказишга, унинг таъсир кучини оширишга хизмат қилмоқда.

А. СКОРОБОГАТОВА,
Куйбишев район партия комитетининг инструктори.

Эътибор кучайтирилсин

Уч йилдирки, Собир Раҳимов номли темирйўл станцияси районидаги Астробод проездда натта майдонни эгаллаган «Главташкентстрой» Саноат бошқармасига қарашли қудратли бинокорлик индустрияси, темир-бетон заводлари учун асбоб-ускуналар, ҳамда металлконструкциялар ишлаб бераётган бир корхона — ремонт-механика заводи қурилмоқда.

Завод коллективи 1968 йил учун мўлжалланган 7 минг тонна ўрнига 8,1 тонна металл конструкцияларни ишлаб берib, бошқарманинг буюртма планини 115 процентдан ҳам ошириб адо этган эди.

Заводни қурaётган «Главташкентстрой»нинг 3-қурилиш трестига қарашли 3-қурилиш бошқармаси жуда сенинлик билан ишламоқда. Ҳалигача бирорта ҳам цехни фойдаланишга топширганларича йўқ.

1967 йили завод ташкил этилгач, иттифоқимиздаги саноат марказларидан ишлашга келган мутахассислар йиллаб уй-жой билан таъминланмаслиги туфайли кўп ишчилар ишдан бўшаб кетишга мажбур бўлишди.

Қолганлари ҳам оила аъзоларидан узоқда, умумий ётоқхоналарда тунаб ишлаб туришибди. Шу кунларда 60 хўжалик уй-жойга муҳтож. Завод маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилоти бошқармага кўп марта мурожаат қилиб, завод хизматчилари, айниқса узоқдан келган мутахассисларга уй-жой берилишини илтимос қилса-да, бу соҳада ҳеч қандай ёрдам беримаётир.

Ана шу қийинчиликларга қарамай завод цехларида меҳнат қайнамоқда. Кишилар қалби ажойиб ҳис-туйғулар билан тўла. Ҳамманинг диққат-эътибори улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга қаратилган.

П. НАЖМИЯ.

◆ Ленинча меҳнат вахтасида

ТОШКЕНТ трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли вагон ремонт заводининг ташкил топганига 60 йил тўлди. Ана шу йиллар ичида корхона ўсди, камол топди.

Болгар даҳаси территориясида янги заводнинг цехлари қурилган. Бу цехга замонавий техника билан жиҳозланган асбоб-ускуналар, турли станоклар ўрнатилган. Янги участкаларда билимдон ёшлар ўзларининг отахон устозлари билан бир сафда туриб баракали меҳнат қилмоқдалар.

Корхона коллективи бу йил 2 миллион сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаган. Жумладан 132 та трамвай вагони, 88 та троллейбус машинаси капитал ва жорий ремонт қилиниши лозим. Айни кунларда коллектив аъзолари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллик юбилейи шарафига ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб юборганлар.

Бу мусобақада электр цехи ишчилари пешқадамлик қилишаётир. Бу ерда янгилик сари изланувчилар сони тобора ошиб боряпти. Цех ишчилари шу йилнинг 6 ойи ичида 50 та рационализаторлик таклифи киритдилар. Шу таклифдан кўпи ишлаб чиқаришга жорий этилиб, ҳозирги кунгача ундан 22 минг сўмлик фойда кўрилди.

Ёруғ юз билан

Ишчан, ташаббускор ихтирочилар ҳақида гап кетганда аввало М. Селеверстов, В. Маҳмедов, И. Семенов, Н. Кузнецов ўртоқлар номини тилга олиш лозим.

Яқинда Н. Кузнецов, А. Ткаченко ўртоқлар яна бир янгиликни кўтариб чиқдилар. Уларнинг деталларни чархлаш борасидаги ихтироларн корхонага 1440 сўм соф фойда келтирди.

Ҳозирги кунларда корхонанинг 10 дан ортиқ йирик цехларида коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун қизғин кураш кетмоқда. 4-та цех коллективи ҳозирдаёқ ана шу юксак унвонни қўлга киритди.

Корхонанинг зарбдор, машъал бригадалари орасида мотор ремонти цехи аъзолари кўпчиликнинг ҳурматини қозонмоқдалар. Л. Погорелева бошлиқ бригада ишчилари вагонларни сифатли ремонт қилишнинг ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Улар доимо ойлик, квартал топшириқларини муддатидан илгари бажаришга эришмоқдалар.

Заводнинг механика цехи ишчилари социалистик мусобақанинг олдинги сафида бориб, ишлаб чиқаришда янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Шу сабабли заводнинг кўчма Қизил байроғи ана шу коллектив қўлидан тушмай келаётир. Йиллик топшириқларни 25 декабргача бажаришга аҳд қилган цех ишчилари ярим йиллик план топшириқларини муддатидан илгари ошириб бажардилар.


Фрезерчи Файзулла Алимов цехда 20 йилдан бери меҳнат қилади. Партия ва ҳукумат унинг меҳнатини эъзозлаб кўксига «Меҳнат Қизил Байроқ» орденини қадаб қўйди.

Еш коммунист, моҳир ишчи Ф. Алимов ва унинг ҳамкасб дўстлари шу кунларда В. И. Ленинниинг бир асрлик юбилейига қадар 5 йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш, доҳий тўйига шахсий меҳнат совғалари тайёрлаш иштиёқида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.



Суратда: трактор-йиғув заводининг 1-цех ишчиси Эркин Одилов. У смена топшириқларини ҳар доим 130—140 процент қилиб адо этади.
А. Тўраев фотоси.



Сиз суратда Чилонзорининг 15 кварталида қад кўтарган янги биноларни кўриб турибсиз. Ҳадемай бу биноларга оилалар кўчиб киришади.
Ф. Ткач фотоси.

◆ Ёз—ўтмоқда соз

МЕҲР ОҒУШИДА

Куни-кеча Абдулла Набиев номли пионерлар лагерида бўлдик. Лагерь кўм-кўк дарахтлар ва анвоий гулларга бурканган.

Мана, мусиқа садолари баралла янграйди, даврада қизлар рақсга тушишяпти.

Болалар бу ерда қизиқарли кино, концерт томоша қиладилар, «КВН» ўтказадилар.

— Лагеримизда 150 дан ортиқ ўғил-қиз мириқиб дам олмоқда. Уларга барча шароитлар мавжуд,— дейди биз билан суҳбатда лагерь бошлиғи Тамара Фозилзияева. — Болалар зериқиш нима эканини билмайдилар, чунки рақс, ашула, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка ва меҳнат тўгаракларидан мунтазам ишлаб турибди.

Лагерда болаларнинг ёзги каникули кўнгилли ўтиши учун катта тадбирлар амалга оширилган. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига ҳамма отрядларда тайёргарлик ишлари қизғин тус олган. Лагерда доҳий ҳаёти ва фаолияти ҳақида суҳбатлар, сўрдар ўтказилмоқда.

Ҳа, болалар лагерь қучоғида мириқиб дам олиб, янги ўқув йилига куч тўплашмоқда.

Т. ТЎРАҚУЛОВ.

СУРАТДА: 5-отряд тарбиячиси Ҳасан Миржалилов болаларга қизиқ эртак ўқиб бермоқда.

Автор фотоси.



◆ Шаҳар хўжалиги мавзуида

ҚУЛАЙЛИК

Маиший хизмат кўрсатадиган ишлаб чиқариш бирлашмалари аҳолининг уй-рўзғор буюмларини жуда қисқа муддатда ремонт қилиб бериш, керак бўлган тақдирда ана шу уй-рўзғор буюмларини буюртмачининг уйига келиб ремонт қилиб бериш вазифасини бажаради. Ана шу мақсадда июль ойидан бошлаб, қулфларни ўрна тиш ва ремонт қилиш, тикув машиналари, электр буюмларини ремонт қилиш кўчма устахоналари очилди.

Бундан ташқари, аҳолининг буюртмаси билан кўрпача, кўрпа ва шунга ўхшашларни тикиш цехи очиляпти. Яқин кунларда бу цех ҳам ишга тушади.

Биз районимизда янгидан ташкил топаётган микрорайонларнинг аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаяпмиз. «Марказ-4» ва «Марказ-5» микрорайони аҳолиси учун ана шу микрорайоннинг ўзида маиший хизмат кўрсатиш устахоналари очилди.

Яқин орада асбобсозлик ва «Узбекгельмаш» заводлари енида маиший хизмат кўрсатиш уйлари қуриш кўзда тутиляпти.

Т. ЙЎЛДОШЕВ,
Киров райижрокомига қарашли аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармасининг директори.

Саксон ота шаҳар кезади...

Биз ҳам илтимос қиламиз!

Журналист халқи жуда синчков бўлади. Қаерга борса кўзи аланг. Нима ҳам деб бўлади: ҳунари, касби-кори шу. Муваффақиятни кўрса, намуна қилади, камчиликни кўрса, тузатишга, тугатишга ёрдам беради.

Шаҳар чеккароғига чиқиб дам олиш ниятида бир журналист ошнам билан таксида елиб кетмоқдамиз. Кўзларимиз тобора гўзаллашиб бораётган Тошкент манзарасини кўриб қувнайди. Кўчалар текис, тоза. Мана, Навоий проспекти, Усмон Юсупов кўчаси, сўнг Уста Ширин... Бамисоли ойна устида яхмалик учгандай учади машинамиз...

Ҳайҳот! Шофёр таксини биз кўрсатган Аҳмад Дониш кўчасига қайирди-ю, таққа тўхтади.

— Кечирасизлар, бу ёғига узр, — деди шофёр, — кўча бошдан оёғича бузуқ.

— Тағин атиги икки квартал юрсангиз, манзилга етамиз. Шундайгина ўнгга бурилсангиз-Немирович-Данченко...

— Садағаси кетай ўша кўчанинг: баҳорда бир кириб қолиб роса таъзиримни еганман. Самосвал олиб, бориб, уч соат деганда машинани зўрга лойдан тортиб олдик.

Шунча илтимос қилсак ҳам бўлмади, унамади шофёр.

— Илтимосингизни шаҳар идораларига қилинг, зора мана шу кўчаларни тузатиб юборишса, ўшанда биз яна хизматга тайёрмиз, — деди киноя аралаш.

Яёв йўлга тушдик, йўқ, кечирасиз, йўлга тушдик, ибораси бу ўринда кетмас экан, чунки йўлнинг ўзи йўқ. Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг йўлаги ўнқир-чўнқир, чуқур лабида телефон кабелининг галтаги, тупроқ тагидан билакдек йўғон сим чиқиб турибди. Чап томондаги йўлакка қарасак, сув босиб ётибди, сал нари юрдик. Йўлка асфальтланган. Хайрият... Юз метрча юрганимиздан кейин асфальт тамом.... ҳафсаламиз яна пир.

Суриштирсак ўтган йили телефончилар кабель ётқизиб бўлгандан кейин юз метрча асфальт қилишибди, сўнг ортиқча зийнат нимага керак, деб қолганига сал-пал шагал тўкиб кетаверишибди. Умуман Аҳмад Дониш кўчасининг афт-ангорига қараб бўлмайди. Йўлнинг ҳамма жойи ўйдим-чуқур, асфальтлари кўчиб кетган... Ўтинчи юк машиналари тақирлаб осмонга сакрайди да, гурсиллаб чуқурга тушади.

Айтишларича, роса икки йилдан бери аҳвол шу эмиш. Бу боягиш йўлга аҳволинг қалай дегувчи кимса йўқ. Ваҳоланки, бу кўчада икки қурилиш ташкилотининг бошлиғи туради. Ҳафсала қилишса, ўзларининг ели билан битадиган иш. Аммо бу бошлиқлар ниҳоятда камтар экан. Азбаройи камтарлигидан фақат ўз дарвозалари олдинигина асфальт қилиб қўйишга қолибди.

Ниҳоят, мана Немирович-Данченко кўчасини. Нима учундир икки кўча туташган жойда дўнг қилиб ахлат тўкиб қўйилган. У ерда учта каттакон бетон қувур думалаб ётибди. Қувурлар атрофи кўлмак сув. Ҳамроҳим, кўчага сув қуйиш— болаларнинг иши бўлса керак, деган эди кулиб, шу ерда ўйнаб юрган болалардан бири дабдурустдан хафа бўлди:

— Амакижон, бу болаларнинг эмас, катталарнинг иши, — деди бола, икки қўли билан трусигини баландроқ кўтариб. — Анави 30-уйда турувчи Азим амаки, уйимнинг деворини чанг босмасин деб, ҳар куни уч марта ариқдан кўчага сув юборади. Ишонмасангиз мана маҳалла комитетининг раисидан сўранг.

Қарасак, қўлида қоғоз папка кўтарган жиккакkина бир киши жилмайиб биз томонга келяпти.

— Ия, ўзимизнинг эски ошнамиз Солибек Қурбонов-ку.

Салом-аликдан сўнг Солибек аканинг ҳаратидан чанг чиқди.

— Кўчаларимизнинг аҳволи мана шу. Икки йилдан буён оворагарчилик. На ёзда, на қишда юриб бўлади бу кўчалардан. Айниқса мактаб болалари қишда тизза бўйича лой кечиб ўқишга қатнайди. Бир кун Алибоев отанинг невараси кўкрагигача лойга ботиб қолибди, ҳай-ҳайлашиб бел курак билан зўрға кўтариб олдик. Бормаган, арз қилмаган ташкилот қолмади.

Маҳалла комитетининг раиси қўлидаги папкани очди. Папка ичида вайрона кўчанинг расмлари, алоқадор шаҳар ва район ташкилотларининг ёзган жавоб хатлари. Шу бир йил мобайнида ёзилган бу хатларга шаҳар ободончилик бошқармасининг бош инженери О. Горбунов, шу бошқарма бошлиғи Ш. Исломов, ихтисослаштирилган йўл - эксплуатацияси трестининг бош инженери Строженко, Киров район Совети ижрокоми раиси ўринбосари А. Расулов, ниҳоят, Киров район халқ контроли комитетининг раиси М. Нагаев ўртоқларнинг имзолари қўйилган.

Район халқ контроли комитетининг раиси ўртоқ Нагаевнинг махсус текширишдан кейин ёзган жавобига кўра, шаҳар ободончилик бошқармаси Немирович-Данченко кўчасини қайта тиклаш ишини ўтган йил биринчи июнигача тамомлаши керак эди. Лекин мана бир йил ўтибдики, ваъдага вафо йўқ.

Кўчанинг аҳволи харобликка ҳароб-у, лекин айрим истиқомат қилувчиларда ҳам айб йўқ эмас. Мана 39-уйининг олди беш йилдан бери девор ўрнига шох-шабба билан тўсиб қўйилганига мана икки йил бўлди. Булар кўчанинг ҳунук басарасига қўшимча доғ бўлиб турибди.

— Саксон ота, сиз ҳам бир илтимос қилиб кўринг, соқолингизнинг оқини ҳурмат қилиб, зора ёғингарчилик бошлангунча бизнинг кўчаларга ҳам сой тегса!— деди маҳалла комитетининг раиси Солибек Қурбонов.

Илтимос эмас, халқ номидан талаб қиламиз!

САКСОН ОТА.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ТЎХТАМАЙ ҚЎЙИЛИҚҚАЧА

Революция хиёбонида Қўйилиққа қатнайдиган автобусни кутиб турган эдик. Бир вақт «Сквер — Шумилов» маршрутида қатнайдиган «70-78 ТНА» номерли автобус бекатга келиб тўхтади. Қўйлиққа борувчилар ҳам анчагина.

Бир пайт шу автобус шофёри: «Ким Қўйлиққа борса чиқсин, 15 тийиндан, тўхтамасдан олиб бораман»,— деб қолди.

Автобусга 50-60 киши чиқди. Шофёр бўлса, шунча йўловчига қарамай, яна қаерда одам кўриниб, олаверди.

Ҳар бир бекатда: «Ҳой, шофёр, инсоф қилинг, болалар кўп», —дейилса, «Ҳозир тўхтатмасдан олиб бориб ташлайман, шошманг»,— дерди, холос...

Хуллас, 16 июль куни нонсоф шофёр барчадан 15 тийиндан йиғиб, қанча йўловчиларни ранжитди, йўловчилардан бири: «Наҳотки, 5 тийинлик йўлга 15 тийиндан олсангиз»,— деса, «Ҳа, мен бошқа маршрутга қатнаш ўрнига сизни ташияпман. Бунга нима дейсиз?»— дейди.

Шунчалик ҳам нонсофсизлик бўладими?

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Ш. ТОЖИЕВ,
А. ДОДОМИРЗАЕВ,
студентлар.

◆ *«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин*

«ҲАНГОМА»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 28 апрель сонида босилган материалда 6-бирлашган поликлиникада беморларга дастлабки медицина хизмати кўрсатишга баъзан бепарволик билан қаралаётгани танқид қилинган эди.

Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири С. Мирхўжаев редакцияга қуйидагиларни хабар қилади:

Мақола 6-бирлашган поликлиника врачлари конференциясида муҳокама қилинди. Газета материалида келтирилган фактлар тасдиқланди. Врач О. Файзиева огоҳлантирилди. Катта ёшдаги беморларга медицина хизмати кўрсатиш бўлимда даволаш-профилактика ишларини яхшилаш зарурлиги кўрсатилди ва кон крет тадбирлар белгиланди.

КУРАШАЁТГАН ҚИТЪА

«ЛАТИН АМЕРИКАСИНИНГ ХАЛҚЛАРИ ҲАММАЛАРИНИ ЭЗАЁТГАН ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛАЁТГАН АҚШ ИМПЕРИАЛИЗМИГА ҚАРШИ КУРАШМОҚДАЛАР. АҚШ ИМПЕРИАЛИЗМИ БУТУН ҚИТЪАНИ ЎЗИГА ҚАРАМ ҚИЛИБ ҚЎЙДИ ВА БУ ҚИТЪАНИ ЎЗИНИНГ СТРАТЕГИК ОРҚА ТОМОНИ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ... ЧИНАКАМ МИЛЛИЙ СУВЕРЕНИТЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШ КАПИТАЛИСТИК ЭКСПЛУАТАЦИЯГА ҚАРШИ ВА АВВАЛО ЧЕТ ЭЛ МОНОПОЛИЯЛАРИ ВА ЛАТИФУНДИЯЧИЛАРГА ҚАРШИ КЕСКИН СИНФИЙ КУРАШ БИЛАН ҚЎШИЛИБ КЕТМОҚДА.

(Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада бўлиб ўтган Халқаро Кенгаши қабул қилган ҳужжатдан).

АПН почтасидан

ЛЕНИН ҒОЯЛАРИДАН РУҲЛАНИБ

Жаҳондаги ҳамма халқлар каби перуликлр ҳам В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб нишонлашга тайёрланмоқдалар. Шу мақсадда Лима шаҳрида комитет тузилди. Бу комитетга Перу меҳнаткашлари умум конференцияси, Перу-Совет маданий алоқалари ассоциацияси, Хосе Карлос Маритеги номидаги институт, Сўл иттифоқ, Миллий озодлик фронти ва Коммунистик партия вакиллари, мамлакатнинг таниқли жамоат ва сиёсий арбоблари аъзо бўлиб кирган. Йирик шаҳарларда ҳам ана шундай асосда маҳаллий комитетлар тузилмоқда.

Кўпгина ёзувчилар, сиёсатчилар ва касаба союз раҳбарлари замонамизнинг ўлмас доҳийси ҳаёти ва фаолияти ҳақида муфассал тадқиқотлар, докладлар, ахборотлар тайёрламоқдалар. Бу тадбирнинг энг муҳим томони унда қатнашаётганларнинг хилма-хиллиги эмас, балки белгиланган тадбирларнинг моҳияти, мазмунидир.

Владимир Ильич Ленин раҳбарлигида Октябрь революцияси ғалаба қозонган, қудратли, зафарли Совет Иттифоқи ташкил этилган ва кейинчалик социалистик мамлакатлар лагери вужудга келган ўтмишга диққат билан назар ташлаб, ҳозирги давримизни ва келажагимиз йўлларини равшанроқ кўрамиз.

Марксизмни ижодий татбиқ этиш ва ривожлантиришдан иборат бўлган ленинча ғояларнинг ғалабаси бизни миллий мустақиллик учун, АҚШ монополияларининг империалистик ҳукмронлигига қарши, мамлакатимизда феодализм қолдиқларини тугатиш учун, олигархия ва йирик буржуазиянинг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлигини тугатиш учун, чинакам демократияга эришиш учун, социализм учун курашга руҳлантирмоқда.

В. И. Ленин туғилганига деярли 100 йил, партиямиз ташкил этилганига 40 йил бўлди. Ленинча ғояларнинг ҳақиқатлигини ҳаётнинг ўзи, ҳозир Перуда бўлаётган воқеалар кўрсатиб турибди.

Улуғ Октябрь ғалабасидан сўнг ленинизм ғоялари таъсирида Перу Коммунистик партияси вужудга келди. Ўша вақтдаёқ мамлакатда Америка империализми ва унинг мамлакатдаги иттифоқчиларига қарши ҳаракат кенг тус олди. Шу билан бир вақтда коммунистлар партиясига қарамақарши Апра вужудга келди. Улар ўртасида идеология, сиёсат ва иқтисод соҳасида мунозара ҳаммавақт давом этди. Антиимпериалистик кураш кучайган сайин бу мунозара ҳам авж олаверди.

Халқимизнинг энг илғор табақалари маҳаллий латифундистлар зўравонлигига қўшилиб кетган империалистик ҳукмронлик қанчалик кулфат келтиришини ўша вақтдаёқ тушуниб олдилар. Ишчилар синфининг «Серро де Паско корпорейшн», «Интернэшнл петролеум компанн» каби Америка компанияларига қарши йирик забастовкаларн бошланиб кетди. Тез орада стачка кураш лари қўзғалонга айланди. Ўша кунлардаги воқеалар миллат хотирасида ўчмас из қолдирди, империализмга, унинг мамлакатимиздаги корхоналарига, ҳукуматдаги агентлари ва ҳимоячиларига нисбатан абадий нафрат уйғотди. Антиимпериалистик кайфият кенгайиб, қудратли миллий ҳаракатга айланди ва ниҳоят армия офицерларининг юқори табақаларини ҳам ўзига тортди. Ҳарбийларнинг ҳозирги ҳукумати амалга ошираётган антиимпериалистик ва антифеодал характердаги ватанпарварлик ҳаракати бу жараённинг юқори чўққисидир. Гап Америка компанияларининг национализация қилинганини ва йирик ер эгалари, жумладан америкалик ер эгаларини экспроприация қилишни кўзда тутаётган аграр ислоҳот ҳақида бормоқда. Шимолий Америка корхоналарининг Перудаги агрессив сиёсатига, талончилик, ахлоқсизлик сиёсатига, шуннидек давлат департаментининг ҳамда унинг малайларининг ана шундан сиёсатига жавобан бу чоралар амалга оширилмоқда.

АҚШ Перуга турли репрессиялар, ҳатто бевосита аралашув ва ҳукумат тўнтаришини ўтказиш бизган дўқ қилмоқда.

Миллий-озодлик ҳаракати империалистик тазйиқни муваффақиятли равишда қайтариш учун социалистик лагернинг қўллаб-қувватлашига, ўз мустақиллиги учун курашаётган барча халқларнинг бирдамлигига таянмоқдаки, бу объектив заруратдир.

Жаҳон пролетар революциясининг бир қисми бўлган антиимпериалистик ва миллий озодлик революцияси ҳақидаги ленинча ғоянинг тўғрилигини шу кунларда Латин Америкаси мамлакатларида авж олаётган воқеалар тасдиқламоқда.

В. И. Ленин иши ва ғоялари прогрессив инсоният амалга ошираётган ишларда яшамоқда. Улуғ Октябрнинг ғалабаси ҳам, СССР да социализм ва коммунизм қурилиши ҳам, социалистик лагерь қудратининг ортиши ҳам Ленин ғояларининг барҳаётлигидир; коммунистлар халқаро ҳаракатининг мустаҳкамланиши ҳам (коммунистик ва ишчи партияларнинг яқинда бўлиб ўтган Кенгаши бунинг далилидир), антиимпериалистик курашнинг кенг тус олганлиги ва тобе, мустамлака ва ярим мустамлака мамлакат халқларининг бу курашга қўшилгани ҳам Ленин ғояларининг барҳаётлигидир. Ниҳоят, Вьетнам халқининг ғалабаси ва Перу халқи ҳам қатнашаётган жаҳон антиимпериалистик ҳаракатининг кучайиши ҳам Ленин ғояларининг барҳаётлигидир.

Хорхе дел ПРАДО,
Перу Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари.



НЕЛЬСОН РОКФЕЛЛЕР ЛАТИН АМЕРИКАСИДА.
— ...Уларнинг фикрини билиш нуқтаи назаридан сафар жуда муваффақиятли ўтди!

Олифантнинг Америкадаги «Денвер пост» газетасида босилган расми.



СУРАТДА: Чили пойтахти Сантьягода полициячиларнинг намойишчилар билан олишуви. Намойишчилар кенг истеъмол молларининг нархи яна оширилганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар.

◆ Факт ва рақамлар

ИШСИЗЛИК, ҚАШШОҚЛИК, САВОДСИЗЛИК

◆ БМТ иқтисодий комиссиясининг Латин Америкаси мамлакатларига атаб тайёрлаган докладига қараганда, қитъада 25 миллион киши ёки меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўртдан бир қисми тўла ёки қисман ишсиздир.

◆ Латин Америкасида йирик помешчиклардан иборат бир процент аҳоли экин экиладиган ерларнинг 62 процентини ўз қўлига киритиб олган. Масалан, Салвадорда ерларнинг 89 процени 14 та бой оила қўлидадир. Лима аҳолисининг 26 процентн, Мехико аҳолисининг 30 процентдан кўпроғи, Рио-де-Жанейро аҳолисининг 38 процентн «қашшоқлик минтақаси» деб аталган шарoнтда яшайди.

◆ Латин Америкаси халқининг 70 процентдан знёдроғи тўйиб овқат емаслик ва очликдан азоб чекмоқда.

◆ ЮНЕСКО маълумотларига кўра, латин америкаликларнинг учдан бир қисми (қитъадаги 250 миллион аҳолининг учдан бир қисми) саводсиздир. Мактаб ёшидаги 20 миллионга яқин бола ўқиш имкониятига эга эмас.

◆ Латин Америкаси мамлакатларида ўлимнинг 44 процеити 5 ёшгача бўлган болаларга тўғри келади. АҚШда эса бундай рақам 8 процентни ташкил қилади. Туғилган ҳар бир минг боладан 107 таси касаллик, очлик ва медицина ёрдами йўқлигидан ўлиб кетади.

◆ Яширин матбуот саҳифаларидан

«Букан»: диктаторнинг ҳалокати яқин

Ганти диктатори Дювальени аллақачондан буён «Кариб чиябўриси» деб аташади. У ўз ҳукмронлигининг 12 йили ичида мамлакатни даҳшатли қамоқхонага айлантирди. 26 минг ватанпарвар жаллодлар қўлида ҳалок бўлди. Гаитининг минглаб энг яхши ўғил ва қизлари, жумладан Ганти коммунистлари бирлашган партияси Марказий Комитетининг бош секретари Жозеф Ронэ қамоққа ташланган. Бу золим мисли кўрилмаган террор, АҚШ Марказий разведка бошқармаси ва монополияларининг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида ҳокимият теппасида турибди. Яқинда АҚШ дан туристлар ниқоби остида унга ёрдамчилар етиб келди.

Бироқ диктаторга қарши кураш кун сайин кучайиб бормоқда. Мамлакатнинг баъзи районларида аҳоли қўлига қурол олди. Халқ курашига Гаити коммунистлар партияси бошчилик қилмоқда. Партия яширин шароитда иш олиб бораётган бўлса ҳам, унинг оммага таъсири кучлидир. Яширин шароитда чиқарилаётган «Букан» газетаси коммунистларнинг ўткир қуролидир.

Қўйида келтирилаётган мақола Гаити ватанпарварларининг жанговар органининг сўнгги сонларидан бирида босилган.

24 июль халқимиз хотирасига қон билан ёзилган санадир. 1915 йилнинг худди шу куни янки ҳарбий кемалари давлат департаментининг қатъий буйруғига амал қилиб, Гаити сувларига келиб лангар ташлади. Америкаликлар республикани ларзага солган сиёсий ва социал ғалаёнлардан фойдаланиб қолдилар. Улар мамлакатда «Юнайтед Фрут» ва Уолл-стрит, жумладан «Нэшнл сити бэнк»нинг экспансиялик интилишларига тўла жавоб берадиган бошқариш методларини қонунлаштириш учун машъум «катта таёқ»ни очиқдан очиқ ишга солдилар. Шу тариқа империализмнинг жиноятқорона этиги миллий мустақиллигимизни топтаб ташлади. Бу эса маҳаллий феодаллар ва буржуазия билан биргаликда амалга оширилди.

Мамлакат Қўшма Штатларнинг ярим мустамлакасига айланди. Янки империалистлари Гаитига 1915 йил битимини мажбуран қабул қилдирдилар. Шунингдек улар 1918 йил конституциясини мажбуран қабул қилдирдилар. Бу конституцияга мувофиқ, Гаитида яшаётган чет элликлар ва уларнинг ташкилотлари ўз мулкига эга бўлиши мумкин. Улар Гаити ташқи савдосини ўз қўлларига олиш ниятида солиқ системасини ҳам шунга мувофиқ қайта кўриб чиқдилар. Улар аслида француз-немис банки бўлган Миллий банкнинг ҳамма акцияларини сотиб олиб, уни «Нэшнл сити банк»нинг филиалига айлантирдилар. Улар майда ва ўрта миллий ишлаб чиқарувчиларни четга суриб қўйиб, қанд ишлаб чиқаришни ўз монополиялари га айлантирдилар. Улар деҳқонларнинг оммавий хонавайрон бўлиши ва йирик қишлоқ-хўжалик компанияларн давлат департаментининг қатъий буйруғига амал қилиб, Гаити сувларига келиб лангар ташлади. Америкаликлар республикани ларзага солган сиёсий ва социал ғалаёнлардан фойдаланиб қолдилар. Улар мамлакатда «Юнайтед Фрут» ва Уолл-стрит, жумладан «Нэшнл сити бэнк»нинг экспансиялик интилишларига тўла жавоб берадиган бошқариш методларини қонунлаштириш учун машъум «катта таёқ»ни очиқдан очиқ ишга солдилар. Шу тариқа империализмнинг жиноятқорона этиги миллий мустақиллигимизни топтаб ташлади. Бу эса маҳаллий феодаллар ва буржуазия билан биргаликда амалга оширилди.

Мамлакат Қўшма Штатларнинг ярим мустамлакасига айланди. Янки империалистлари Гаитига 1915 йил битимини мажбуран қабул қилдирдилар. Шунингдек улар 1918 йил конституциясини мажбуран қабул қилдирдилар. Бу конституцияга мувофиқ, Гаитида яшаётган чет элликлар ва уларнинг ташкилотлари ўз мулкига эга бўлиши мумкин. Улар Гаити ташқи савдосини ўз қўлларига олиш ниятида солиқ системасини ҳам шунга мувофиқ қайта кўриб чиқдилар. Улар аслида француз-немис банки бўлган Миллий банкнинг ҳамма акцияларини сотиб олиб, уни «Нэшнл сити банк»нинг филиалига айлантирдилар. Улар майда ва ўрта миллий ишлаб чиқарувчиларни четга суриб қўйиб, қанд ишлаб чиқаришни ўз монополиялари га айлантирдилар. Улар деҳқонларнинг оммавий хонавайрон бўлиши ва йирик қишлоқ-хўжалик компанияларн давлат департаментининг қатъий буйруғига амал қилиб, Гаити сувларига келиб лангар ташлади. Америкаликлар республикани ларзага солган сиёсий ва социал ғалаёнлардан фойдаланиб қолдилар. Улар мамлакатда «Юнайтед Фрут» ва Уолл-стрит, жумладан «Нэшнл сити бан

ТОШКЕНТ — ТИНЧЛИК ШАҲРИ

Жаҳонга — тинчлик!— деган садо тобора кучлироқ янграмоқда.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада бўлиб ўтган халқаро Кенгаши ҳам инсониятни ҳаяжонлантираётган энг улуғ масала — тинчликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди.

Совет кишиларининг тинчликни ёқловчи қудратли садосида ўзбек овози ҳам бор. Тошкент — тинчлик, омонлик шаҳри.

Журналист Ҳамид Нурий қаламкаш дўстлари билан бирга ликда Тошкент тўғрисида китоб ёзди. Бу китоб шу йил «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилмоқда. Эътиборингизга ана шу китобдан парча ҳавола қилинмоқда.

Бу муаззам пойтахтда икки қитъа садоси — Осиё ва Африка тараққийпарвар ёзувчиларининг қудратли овози янграшидан сал олдинроқ бўлган воқеаларни эслаб ўтайлик.

Ватанимизнинг «оқ олтин» хазинаси Ўзбекистон меҳнаткашлари, қуёшли Ўзбекистондаги юздан ортиқ миллат вакиллари СССРдаги барча қондош-жондош дўстлари билан, бутун дунёдаги яхши ниятли кишилар билан бирдам бўлиб, ҳамдам бўлиб тинчлик учун астойдил курашиб келмоқда.

1951 йилнинг 12 сентябрь куни Тошкентда Алишер Навоий номли Катта академик опера ва балет театри биносида тинчлик тарафдорлари Ўзбекистон республикаси конференцияси очилди.

Ўша куни пойтахтга Фарғона ва Зарафшон водисидан, олис Хоразм, қардош Қозоғистондан, Сурхондарёдан, Бекободдан, Охангарондан, Чирчиқдан, ҳамма-ҳамма жойдан жанговар ишчилар синфининг, азамат деҳқонлар, чорвадорларнинг, қаҳрамон оналар, пенсионерларнинг, Улуғ Ватан уруши инвалидларининг, бутун меҳнат аҳлининг вакили тўпланди. Улар энг қаётий масала — Тинчлик масаласини муҳокама қилишга тўпланган эдилар.

Конференцияда совет халқи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун астойдил курашаётганлиги яна бир карра бутун дунё олдида айтиб ўтилди. Шунингдек, конференция тинчликни ҳимоя қилувчи республика комитетини сайлади. Тинчлик тарафдорлари Бутуниттифоқ конференциясига делегатлар ҳам сайланди.

Конференцияда қабул қилинган ҳужжатда шундай сўзлар бор:

«Ўзбек халқи СССРдаги барча қардош халқлари билан биргаликда Жаҳон Тинчлик Кенгаши беш буюк давлат ўртасида Тинчлик ахди тузиш тўғрисидаги мурожаатига Совет Иттифоқида имзо тўплаш ҳақида тинчликни ҳимоя қилувчи совет комитети пленумининг чиқарган резолюциясини яқдиллик билан маъқуллайди».

Ана шу конференцияда сўзга чиққан ўзбек пахтакорларининг вакили, марҳум Ҳамроқул Турсунқулов:

— Биз уруш учун меҳнат қилаётганимиз йўқ. Биз Ватанимизни яшнатиш учун, халқ бахт-саодати учун меҳнат қилмоқдамиз,— деди.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва қуйидаги сўзларда бутун совет кишиларининг муддаосини ифода қилди:

— Кореядан қўлингни торт! Халқлар янги жаҳон уруши бўлишига йўл қўймайдилар! Ер юзида уруш эмас, балки кишиларнинг меҳнати ғалаба қилиши лозим ва у ғалаба қилади.

Ўша пайтда Алишер Навоий номли Самарқанд Давлат университетининг ректори, ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, фалсафа фанлари докторй Иброҳим Мўминов бутун дунёда мустаҳкам тинчлик бўлишини ўзбек зиёлилари номидан астойдил ёқлаб чиқди.

Ўзбекистон тинчлик тарафдорлари номидан атоқли шоир Уйғуннинг қуйидаги сўзлари ва жўшқин сатрлари янгради:

— Биз ғайратимизга —ғайрат, ижодимизга ижод қўшиб ишлаймиз. Бор билимимиз билан, талантимиз билан, қалбимиз билан Ватанга хизмат қиламиз. Шундан кейин у тинчлик рамзи бўлиб қолган, улуғ рассом Пикассо тасвирлаган кабутар тўғрисидаги шеърини ўқийди:

Жаҳон бўйлаб учиб юрар
Тинчлик рамзи кабутар.
Иқбол қуши, нажот қуши,
Ҳаёт қуши, эрк қуши.
Олам-олам севинч солар
Миллионларнинг қалбига.
Кабутарнинг тинчлик билмай
Мағрур қанот силкиши...
У қуш эмас, — у келажак.
У саодат, у тинчлик,
Миллионларнинг учиб юрган
Иродаси, тилаги.
У қуш эмас, болаларнинг
Истиқболи, ҳаёти.
У қуш эмас, оналарнинг
Қанотланган юраги.

Тинчлик нидоси тобора кучлироқ янграй берди. Бутун дунёдаги яхши ниятли кишилар сингари тошкентлик меҳнаткашлар, бутун ўзбек халқи тинчликни ёқлаб чиққан барча ҳужжатларнинг остига ўзининг шарафли имзосини чекди. Мамлакатга миллион-миллион тонна «оқ олтин» етказиб беришга қодир, ҳар йили тоғдай хирмонларни кўтаришга кучи етаётган ўзбек деҳқони ҳам, Урта Осиёдаги кўпгина республикаларга, хорижий Шарқ мамлакатларига қишлоқ хўжалик машиналари, жаҳонда энг яхши пахта терадиган машиналарни ижод қилаётган машинасозлар ҳам, шоирлар ҳам, Улуғ Ватан уруши даврида 14 етим болани боқиб вояга етказган машҳур ватанпарвар Баҳри опа Акрамова ҳам, темирчи Шоаҳмад ака Шомаҳмудовлар ҳам тинчлик ҳужжатига имзо чекди.

Тошкент руҳи қачон бошланганлигини ана шу кунлардан, ундан ҳам илгарироқ бўлган воқеалар заминидан излаш керак.

Тошкент конференцияси қатнашчилари ассалом!

Хуш келибсиз азиз меҳмонлар!

Шарқда социализмнинг машъали, тенгларнинг тенги ўзбек халқининг пойтахти Тошкент тинчлик элчиларини икки қитъа ёзувчиларини ана шу сўзлар билан кутиб олди.

Тинчлик конференцияси очилган кун — 1958 йил 7 октябрь куни Ғафур Ғулом нинг «Анор» сарлавҳали шеъри янгради.

Қўлимда Наманганнинг ер куррадек анори,
Ўзбекистон боғидан
дўстларимга башорат.
Дона — дона тотганда
босар дилнинг ҳумори,
Тубандаги шеъримга бўла
олур ишорат.

Шоир жўшқин қўшиғини давом эттириб деган эди:

Куриль оролларидан
мустақил Ганагача
Озодлик дафтарини
варақлари учади.
Ҳеч қандай зулмат қолмас!
Ахир, сўнгги бу кеча...
Бир ҳуш хабар кутаман,
қабоқларим учади.

Ҳар икки қитъа адиблари бу анжуманга жуда катта умид боғлаб тўғри иш қилдилар. Константин Симонов бу ҳақда бундай деди:

— Биз конференциядан жуда кўп нарсаларни кутмоқдамиз, ҳаммадан аввал бир нарсани — жуда кўп ғарбий Европа ва америкалик меҳнатчи кишиларнинг ҳозирги замон маданияти фақат Ғарбда туғилади, гўё фақат ўша ерда бу маданиятнинг тақдири бутун бешқитъада ҳал қилинади, деган такаббурона далиллари ва ёлғон тушунчаларини тагтомири билан қўпориб ташлаш масаласини кутмоқдамиз.

Маданият тақдири бутун бешқитъада ҳал қилинади. Шунинг учун ҳам ҳар бир катта масала Осиё ва Африка халқларининг қудратли овозини ҳисобга олмасдан ҳал қилинмайди.

— Шаҳримизнинг азиз меҳмони, — деб ёзди ўзбек қаламкаши Раҳмат Файзий, — Бенжамен Матип шундай деган эди: «Тошкент! Тошкент! Тошкент! Бу сўз — муваффақиятлар символи ҳисобланади. Бу сўз Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясининг муваффақият қозонишига ёрдам бериши керак.

Мен тошкентлик бўлганим, ёзувчилар армиясининг оддий солдати бўлганим учун ҳам ҳурматли меҳмоннинг бу сўзларини ҳаяжонланиб эшитдим.

Ўзбекларнинг: «Меҳмон кутиб чарчасанг, умр бўйи ҳормайсан» деган мақоли бор. Биз ҳали чарчаганимизча йўқ. Халқимизнинг ажойиб анъаналарини авлод-аждодимизгача давом эттирамиз. Бугун Осиё ва Африка мамлакатларидаги ҳамкасбларимизни кутиб олаётган эканмиз, яқин келажакда бутун дунё ёзувчиларини дастурхонимиз атрофида кўришни, уларга мезбонлик қилишни чин қалбимиздан орзу қиламиз.

Шоира Зулфия ўша куни дўстлар орттириш қанчалар яхшилигини яна бир марта таъкидлади.

«Ҳинд балладалари», «Осиё овози» ва шу сингари машҳур асарларнинг муаллифи Мирзо Турсунзода «Деҳли — Қоҳира — Тошкент» сўзларини маъқулсининг сарлавҳасига чиқариб, бу сўзнинг маъноси нақадар кенг ва нақадар чуқур, — деди. Бу ўч пойтахт номини тилга олганимизда жаҳон халқларининг юракларидаги орзу-умидларини ўз қаламлари билан ифода қилган забардаст ёзувчилар кўз олдимизда гавдаланади.

Осиё ёзувчиларининг 1956 йил декабрь ойида Деҳли конференциясида қатнашиб, — дейди Мирзо Турсунзода: — бу қўшни Ҳиндистон пойтахтида қадимий Осиёнинг жуда кўп мамлакатларидан келган тараққийпарвар ёзувчиларнинг тинчлик ҳақидаги овозларини эшитишга муяссар бўлган эдим. Бугун очилаётган Осиё ва Африка қитъаси ёзувчиларининг Тошкент конференциясини чақириш ҳақидаги гоя шу ерда туғилган эди. Бу гоя Деҳлидан бошланиб, Қоҳирагача борди. Бу гоя жаҳон бўйлаб таралиб, эндиликда Тошкент шаҳрида ўз ифодасини топмоқда.

Агар шеърий тил билан айтганда, бу ғояни қўшга ўхшатиш мумкин. Бу қуш Деҳлидан тухум ёриб чиқди, у Қоҳирада темир қанот чиқарди, бу қуш энди Тошкентда парвоз қилмоқда. Бу қуш —жаҳон халқлари қалбидаги дўстлик озодлик, бирлик ҳақидаги яхши ниятлардир.

Ҳамид НУРИЙ.

ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

☆ Тиш оғриғи билан қарз бир хил. Бирини олдириб ташлаб, бирини бериб қутуласан.

☆ Мол-дунё одамни кўтара олади. Аммо одам мол-дунёни кўтаролмайди.

☆ Зарнинг ишқивоз дўстлари кўп. Аммо зари борнинг душмани кўпдир.

☆ Одамлар сени қадрлашини истасанг, зарни душман бил.

☆ Халқ мол-мулки илон билан чаёндир.

☆ Пул нима? — Ҳаммом лунгиси. Бугун менинг белимда, эртага сенингда.

☆ Душман насиҳатига амал қилмоқ ҳато. Аммо эшитмоқ даркор. Чунки эшитган, унинг тескарисига амал қилсанг савоб бўлади.



Шаҳримиздаги Октябрь райпишчеторгига қарашли 82-магазин аҳолига намунали хизмат қилмоқда. Улар ўзларининг хушмуомалалиги билан харидорларнинг таҳсинига сазовор бўлишмоқда.

СУРАТДА: шу магазин сотувчиси Жуман Исмонлов савдо пайтида.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.



РАДИО

25
ИЮЛЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 «Болаларни атеистик руҳда тарбиялаш — ҳар бир кишининг бурчи» деган суҳбат (Ўзбекча). 18,10 Совет экрани куйлари. 19,20 Татар куйлари. 20,00 «Ўзбекистон қурилишларида» радиожурнали (русча). 20,30 Саноат ходимлари учун концерт. 21,00 Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). 21,10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22,20 Халқ қўшиқлари. 22,40 М. Иброҳимовнинг Ленин ўтмиш маданияти ҳақида» деган суҳбати. 23,15 Кечки концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19,30 «Композитор Н. Чуркин» деган концерт-очерк (русча). 20,00 Рубобчи аёллар ансамблининг концерти. 20,30 С. Юдаков. «Ленин хотирасн» поэмаси. 20,50 «Сабзаворкорлар ўз ваъдаларининг устидан чиқадилар» (русча). 21,00 У. Назаров. «Гирдоб» номли янги повестдан парча (Ўзбекча). 21,40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

16,00 Ю. Шапорин: «Декабристлар» операси.

26
ИЮЛЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6,15 Тонгги концерт. 7,40 С. Ҳайитбоев. Халқ чолғу оркестри учун сюита. 8,25 Лирик концерт. 9,30 Э. Салиховв. «Собир Раҳимов хотираси» симфоник поэмаси. 10,30 Концерт (Ўзбекча). 11,15 «Гулшан» радиожурнали. 12,15 Совет Армияси жангчиларининг талабларига мувофиқ концерт. 13,30 Эстрада концерти. 15,10 «Правда» газетасининг обзори. 15,20 «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» радиожурнали (русча). 15,40 Рақс куйлари. 16,10 «Менинг улуғ Ватаним» деган музикали-адабий эшиттириш (Ўзбекча). 17,20 Уйғур куйлари. 17,50 «Идеология ва ҳаёт» циклидан эшиттириш (Ўзбекча).

18,00 Пахтакорлар ҳақида қўшиқлар. 18,40 Спорт эшитириши (Ўзбекча). 19,20 Куйлардан — қўшиқларга. 20,00 «Ленинном» программаси (Ўзбекча). 20,40 Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. 21,00 «Қардош коммунистик партиялар ҳаётидан» (Ўзбекча). 21,10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22,20 «Янги ёзувлар». Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Андижон область театри артистлари ижросида «Холисхон» мусиқали драмасининг монтажи.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8,25 Люча Рейс ва «Лос Панчос» вокал ансамблининг концерти. 9,15 Спорт эшиттириши (русча).

19,00 Ҳажвий ҳикоялар (Ўзбекча). 19,30 «Шоир дафтари» (русча). 20,00 Шашмақомдан парчалар. 20,30 Озарбайжон куйлари. 21,00 Эстрада-рақс концерти. 21,40 Савдо ходимлари кунига бағишланган суҳбат ва концерт (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13,00 К. Целлер. «Қуш сотувчи» оперетгаси. 14,30 Халқ достонларидан «Гўрўғли ва Бозиргон». Рўзимбек Муродов ижро этади. 16,30 Сафроновнинг «Истеъфодаги киши» пьесаси асосида радиоспектакль. 18,00 «Гулшан» радиожурнали.

ТЕЛЕВИЗОР

25
ИЮЛЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18,35 Телевизион янгиликлар. 18,50 «Ешлик» студияси кўрсатади. Ўзбекистон комсомоли. 19,30 Болалар учун. «Сиз учун ишлайдиганлар ҳақида». Кўгирчоқ фильм. 19,50 Музикали программа. 20,30 Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20,40 Телевизион янгиликлар. 20,55 «Олтин водий» программаси. 22,05 «Трест» операцияси». Телевизион бадиий фильмнинг 4-серияси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

23,30 Янгиликлар эстафетаси. 00,15 «Саратон ёмғири». Телевизион бадиий фильм. 01,00 Интервидение. «Жасур деңгизчи». 02,00 Интервидение. Футбол бўйича СССР — ГДР командалари ўртасидаги халқаро учрашув. ГДРдан олиб кўрсатилади. Ташаффус вақтида янгиликлар. 03,45 Кўрсатувлар программаси. 03,50 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 18,00 Нишони қандай ёзмоқ керак? 18,20 Атрофимизни қуршаган дунё.

19,00 Абитуриентлар учун математикадан машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19,55 Кўрсатувлар программаси. 20,00 Янгиликлар. 20,15 «Рус днёри ҳақида қисса». Телевизион музикали фильм. 21,00 «Жасорат» Телевальманах. СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланади. 21,30 М. Ашрафий. «Муҳаббат тумори». Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20,00 Симфоник оркестр чолғу асбоблари. Гобой. 20,40 Беш йиллик натижалари.

Рус тилида: 21,00 Сибирь балети Японияда. Ҳужжатли фильм. 21,30 «Лисистрат». Телеспектакль.

26
ИЮЛЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9,55 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 10,00 Болалар учун. «Лагерда ракеталар учирилади». Телефильм. 10,20 Ўқувчилар учун. Пионер ёзи». 10,45 «Гимнастик симфония». Ҳужжатли фильм (рус тилида). 10,55 «Иванно ҳужмда». Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12,00 Гимнастика ҳамма учун. 12,45 Янгиликлар. 13,00 Бахтли бўлинг. Дам олиш программаси. 13,30 «Стандартлаштириш ва прогресс». Тележурнал. 14,00 Шаҳарларнинг музикали турнири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16,55 Кўрсатувлар программаси. 17,00 Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 17,10 Маргилон шаҳар ипакчилар клуби қошидаги болалар бадиий ҳаваскорларининг концерти. 17,50 «Футболчилар» Кинофильм. 18,20 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 19,05 Телевизион янгиликлар. 19,20 Хатлардан қўшиқларга. Концерт.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20,00 Рангли телевидиение программаси. 21,30 СССР халқларининг телевизион атласи. Қолмоғистон. 22,00 Спорт янгиликлари. 22,30 Эстрада оркестрининг концерти. 23,45 Янгиликлар. 24,00 Ленинизм — замонамиз байроғи. 00,30 «Новости дня» киножурнали. 00,45 «Сатурнга йўл». Бадиий фильмнинг биринчи серияси. 02,00 «Кечки Ленинград». Эстрада концерти. 03,00 Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. 03,15 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ

15,00 Ўқувчилар учун эшиттириш. 15,30 «Прогресс». Интервидение журнали. 16,00 Эфирда «Молодость». 16,30 «Здоровье». Илмий оммабоп программа. 17,00 «Пароль — Дўстлик». Поляк ва совет фронтчиларининг дўстлиги ҳақида эшиттириш. 17,30 Э. Скриб. «Джефет ёки отани қидиришда». Телеспектакль премьераси. 18,45 Янгиликлар. 19,00 Меҳнат қаҳрамонларига шон-шарафлар.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20,00 Спорт ҳафта ичида 20,20 «Ер овози». Кинофильм. 21,10 Ўзбек куйларидан концерт. 21,40 «Майор Вихрь». Бадиий фильмнинг иккинчи серияси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18,00 Экран — болаларга. 18,30 Янгиликлар. 18,45 «Қуёнок болалар»: Бадиий фильм.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26|VII да **Ғавҳари шамчироғ**, 27|VII да **Ажаб савдолар**, 28|VII да **Бағри тош**

Кино

25 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Оила жанжали — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кечқурун).

Доктор Абст тажрибаси — «ДЎСТЛИК» (тоқ соатларда).

Бомбай тун оғушида — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Дўстим Нодар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Кашмирдаги севги (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кечқурун).

Йўлнинг ўндан бири (кеч 9 да), «24—25» қайтмади (кеч 7 да) — «МОСКВА».

Оқ рояль — «ДЎСТЛИК» (жуфт соатларда).

Қор аёл ҳақида афсона — «ЧАЙКА» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Оқ рояль — ТЕЛЬМАН номли.

26 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Доктор Абст тажрибаси — «ДЎСТЛИК» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да), «ЧАЙКА» (эрталаб 11,45 ва кундуз 1,30 минутда).

Оқ рояль — «ДЎСТЛИК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Оила жанжали — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Йўлнинг ўндан бири (эрталаб соат 10, кундуз 1,20 минут, 5 ва кеч 9 да) «24—25 қайтмади (эрталаб соат 11,40 минут, кундуз 3 ва кеч 7 да) — «МОСКВА».

Кашмирдаги севги (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Қор аёл ҳақида афсона — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Бомбай тун оғушида — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

ПУШКИН НОМЛИ БОҒДА 25, 26, 27 ИЮЛДА М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Олмахон ҲАЙИТОВА, Жуманазар БЕКЖОНОВ,**

Солистлар: **Зокиржон СУЛТОНОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Жуманиёз СОБИРОВ, Отамурод ҲОЖИЕВ, Раҳмон АБДУРАСУЛОВ, Нина ТЯГНИБИДНАЯ, Зумрад ҲОЖИЕВА, Рукия АБДУЛЛАЕВ, Жуманиёз БОЙЖОНОВ, Ҳайриддин ФАЁЗОВ** ва бошқалар қатнашади.

Программани **Зайтуна ТОҲИРОВА** олиб боради.

Концерт кеч соат 9 бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги Навоий номли 1-ўрта мактаб томонидан **Шарипов Иброҳим** номига берилган 541818-сонли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

бекор қилинади.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМИДА ЗАВОД ҚОШИДАГИ 46-БИЛИМ ЮРТИ ФИЛИАЛИ

қуйидаги касбларга тайёрлаш учун

1969-70 ЎҚУВ ЙИЛИГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

кранчилар, токарлар, қолипчилар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар.

Ўқувчилар кунига 3 марта иссиқ овқат ва ётоқхона, 40 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишни тугатганлар темир йўлда мавжуд бўлган ҳамма имтиёз ва ҳуқуқлардан тўла фойдаланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Червяков кўчаси, 64-уй, кадрлар бўлими (2, 5, 16, 12-трамвайларнинг «Сарикульская» бекати).

«ТРАНСГИДРОМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ 482-БОШҚАРМАСИГА

бошқармада ишлаб чиқаришни техника бўлимида, лойиҳа группасида ишлаш учун

инженер ва техниклар, гидротехниклар, геодезистлар

КЕРАК

Жойларга бориб ишлаш учун: **электр пайвандчилар, электромашинистлар.**

ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 87-уй (3, 6, 14, 24-автобусларнинг «Пекинская» бекати).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

«Союзпечать» ниосналардан сиз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети органи — **«Социалистическая индустрия»** газетасини сотиб олишингиз мумкин.

Газета саноат ишлаб чиқариш инженер-техниклари, ишчилари ва илмий ходимларга мўлжалланган.

Газета ҳафтада 6 марта «Правда» форматида 4 бетлик бўлиб чиқади.

«Социалистическая индустрия» газетасини сотиб олингиз!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ АВТОБАЗАСИГА

тез ёрдам медицина автомашиналарида ишлаш учун **1-2 класс шоферлари**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Хуршид кўчаси, Арчазор проезди 3-уй, кадрлар бўлими (9, 11, 19, 47, 49, 56-автобуслар, 2, 16-трамвайларнинг «Галаба боғи» бекати).

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ПРАВЛЕНИЕСИГА

бухгалтер-ревизорлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 24-уй, 13-хона.

46-КЕЧКИ-СМЕНАЛИ ШАҲАР БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги касбларга ўргатиш учун

1969-70 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Телеграфчи, тональ ва абонент телеграфи ускуналари буйича механиклар (йигит ва қизлар), АТС механиклари (қизлар), ШТС механиклари (йигитлар), МТС механиклари (йигит ва қизлар), электр земснаряд машинистлари, киномеханиклар (стипендия берилмайди), станция монтёрлари (қизлар), кабель-қалайловчилар (йигитлар).

Тошкент ва Сергелида прописка-си бўлган, 16 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синф хажмида маълумотдилар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати 6 ойдан 1 йилгача.

Машғулотлар 1 сентябрь куни-дуя соат 3 дан бошланади.

Қабул қилинганлар 45 дан 69 сўмгача стипендия билан таъминланади.

Электр земснаряди машинистлари группасига Тошкент шаҳар ва областида яшайдиганлар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 7-уй (2,3-трамвайларнинг «Первомай», 1, 4, 18, 19, 20, 23, 24, 59-автобуслар 1, 3, 4-троллейбусларнинг «Революция хиёбони» бекатлари).

ТОШКЕНТ «ГИДРОМЕТПРИБОР» ЗАВОДИГА

токарлар, слесарлар, меҳнат, ва маош бўйича инженерлар, нормаловчилар, диспетчерлар, экспедиторлар, омбор мудирлари, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Лохути кўчаси, 48-уй. Телефон 33-18-08.

«СРЕДАЗНИИГАЗ»ГА

бухгалтерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 116, Муқимий кўчаси, 98-уй (9, 11-трамвайлар, 2, 6, 9, 11-троллейбуслар, 2, 3, 6, 23, 24, 26, 54-автобусларнинг «Пионерская» бекати). Телефон 77-16-05.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“

газетасининг эълонлар бўлими ҳар турли эълонларни қабул қилади

Шу жумладан ишга таклиф, конкурслар, диссертация ёқлаш ҳақида, таъзия, ҳар хил буюмларни сотиш (уйлар, коналар, мебеллар, гуллар в. б) штамп, думалоқ печатлар, втуклин аттестатлари, дипломлари йўқолганлиги тўғрисида.

Қабул қилинган эълонлар бир ҳафталик муддатда босиб чиқарилади.

Эълонлар якшанба кундан бошқа ҳар куни кундуз соат 2 дан 4 гача қабул қилинади.

АДРЕС: Тошкент шаҳар «Правда Востока» кўчаси 26-уй, 1-қават.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 25 ИЮЛЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09. масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат транспорт; қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579

НАШР 2807.

Р. 04524.